

ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Умаров Фахриддин Умар ўғли,
ТДИУ тадқиқотчиси

E-mail: faxriddinumarov_80@rambler.ru

Аннотация: Мазкур мақолада иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларга инвестиция жалб қилиш кўламини кенгайтиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Иқтисодиёт тармоқларида инвестицион фаолликни ошириш асосида инновацион инвестицион фаолият фаол тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришнинг илмий-услубий жиҳатлари баён этилган.

Аннотация: В данной статье анализируются организационно-экономические механизмы и особенности расширения масштабов привлечения инвестиций в соответствующие сектора экономики. Инновационная инвестиционная деятельность на основе увеличения инвестиционной активности в секторах экономики обеспечивает научно-методологические аспекты стимулирования развития активного предпринимательства.

Abstract: This article analyzes the organizational and economic mechanisms and features of expanding the scale of attracting investment in the relevant sectors of the economy. Innovative investment activity on the basis of increasing investment activity in the economic sectors provides scientific and methodological aspects of stimulating the development of active entrepreneurship.

Калит сўзлар: инвестиция, инновация, модернизациялаш, диверсификациялаш, тадбиркорлик, бизнес.

Кириш

Мамлакатимиз ва унинг минтақалари иқтисодиётини ривожлантиришда, хорижий инвестициялардан мақсадли фойдаланиш бўйича дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 5 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастурлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида ишлаб чиқаришни

модернизация қилиш, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ва уларни амалга ошириш натижасида минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятини янада кенгайтириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида инвестицион самарадорликни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида минтақаларда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, шунингдек, минтақаларда мазкур фаолиятни такомиллаштириш асосида иқтисодий самарадорликка эришиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади:

Ўтган 27 йиллик мустақиллик даврда иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда, мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида давлатлар иқтисодиётининг турли соҳаларига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, улардан мақсадли фойдаланиш реал иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди. 2016 йилда жаҳон иқтисодиётига қарийб 2 трлн. АҚШ доллариға яқин тўғридан-тўғри инвестициялар киритилган бўлиб, 2010 йилга нисбатан унинг ўсиш суръати 30,1 %ни ташкил этган. Халқаро статистика маълумотларига кўра, ҳудудлар бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларидаги умумий инвестицияларнинг 31,3 %ни, Европа давлатларида 29,1 %, Шимолий Америка давлатларида 24,8 %ни ташкил этади¹.

Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари иқтисодиётини ривожлантиришга, хорижий инвестициялардан мақсадли фойдаланиш бўйича дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017 йилги Инвестиция дастури бўйича умумий қиймати 50 млрд. АҚШ доллариға тенг 545 та инвестиция лойиҳаси киритилган бўлиб, йил давомида 7,3 млрд. АҚШ долларилик сармояларни ўзлаштириш белгиланган. Хорижий инвестицияларни Ўзбекистон ҳудудлариға жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича 2017 йил 5 сентябрдаги фармони ўз самарасини беришни бошлади².

¹ Division on Investment and Enterprise United Nations Conference on Trade and Development, www.unctad.org, 2016.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Б.Ю. Ходиев, А.Ш. Бекмуродов, Ш.И. Мустафақулов, М.Э. Пўлатовлар томонидан инновацион инвестиция тушунчаларига турлича таъриф берилган бўлиб, уларнинг баъзиларини келтирамиз. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисолада инновацион инвестиция фаол тадбиркорликдаги аҳамияти тўғрисида қўйидаги фикрларни билдиришган: иқтисодиётни либераллаштириш шароитида макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда валюта бозори ҳолати устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, зарурат туғилганда, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини ошириш, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштиришда инновацион инвестиция бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Бу иқтисодчиларнинг фикрича, инновацион инвестиция асосий моҳияти миллий ёки хорижий иқтисодиётларга инвестиция ресурсларини киритишга интилиши жозибасини ошириш ҳақида айтиб ўтилган [4].

Д.С.Алматова. Тадбиркорлик фаолиятига инвестиция жалб қилишнинг минтақавий хусусиятлари мавзусидаги монографиясида минтақаларда тадбиркорлик субъектларининг инвестицион-инновацион фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари асослаб бериш ва уларни самарали ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар келтирилган [6].

Ш.Мустафақулов. “Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибдорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертация иши авторефератида минтақалардаги табиий ресурслар захираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати, ҳудудларнинг инвестицион рейтинги хорижий инвестициялар оқими ҳамда ички инвестицияларнинг фаоллашувига таъсир кўрсатади. Бунда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми инвестицион салоҳият ва иқтисодий салоҳият кўламининг юзага келишини таъминланиши юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар келтирилган [5].

Н.Ғ.Каримов. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари номли монографияси мамлакат ичкараси ва ташқарисида янги корхона яратиш ва мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, энг янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш даражасини ошириш тўғрисида илмий амалий таклифлари баён этилган [7].

Ш.Мустафақулов. Ҳудудларнинг салоҳияти: назарий ва услубий қарашларнинг таққослама таҳлили мавзусида мақоласида инвестиция фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларда мазкур фаолиятни ривожлантириш бўйича инвестициялар жалб қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклифлар берилган [5].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисоласида келтирилган таҳлилий маълумот асосида миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва илғор технологияларини жалб этиш жараёнларини кучайтириш учун икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш бўйича илмий таҳлил этилган [4].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотимиз мавзуси макроиқтисодий муносабатликни таъминлашда инвестиция жозибадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш масалаларига бағишланганлиги сабабли, аввало, мавзу доирасида тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, мавзуни ўрганилганлик даражаси тадқиқ этилган.

Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили ва фаразни асослаш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2017 йилнинг биринчи ярмида 26,599 триллион сўмни ташкил этди. Шу боис иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида минтақаларда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорликни амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, валюта сиёсатини либераллаштирилиши 2017 йилда мамлакатимиз миллий пул бирлиги сўм - реал валюта курсининг пасайиши (девальвацияси), Ўзбекистон валютаси харид қобилияти паритетини 4,6 га (прогноз маълумотлари) ўзгаришига олиб келди. 2017 йил якунларига кўра, ЯИМ ҳажми жорий нархларда 249,14 трлн. сўм ёки 48,65 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Жон бошига ҳисоблаганда, ЯИМ ҳажми 7,7 млн. сўмни ёки 1502,1 АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Бу эса харид қобилияти паритети бўйича республикамиз ЯИМнинг умумий ҳажми 223,6 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди, аҳоли жон бошига эса 6903,4 АҚШ долларига тенг бўлди. Демак келгуси йиллардаги реал иқтисодий ўсиш ҳисобига харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган ЯИМ ҳажми жон бошига ҳисобланганда янада кўпайиши ва аҳоли фаровонлиги ошиши кутилмоқда. Мамлакатимизда 2019-2020 йилларда ЯИМ ҳажмининг АҚШ доллари ҳисобида ҳам ўсиш жараёни кечиши прогноз қилинмоқда. Бундай ҳолатда экспорт ҳажмининг ортиши ва унинг ЯИМ таркибидаги улушининг кўпайиши, ЯИМ ҳажмининг АҚШ доллари ҳисобида ўсишини таъминловчи асосий омил бўлади. Бу эса, фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз.

Бундай тадбиркорлар юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш асосида мамлакатимиз ҳудудларида инвестиция муҳитини яхшиланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади² [3].

Фикримизча, республикамиз минтақаларидаги иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишнинг самарали эконометрик моделларини тузиш ва кенг қўламда қўллаш орқали ҳудудни барқарор ривожлантириш стратегиялари ва устувор йўналишларини аниқлаш, комплекс ва инновацион дастурларни шакллантириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишда ишлаб чиқилган комплекс ривожлантириш орқали ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини тизимли асосда таҳлил қилиб бориш, мавжуд захиралар ва ишлаб чиқаришга жалб этилмаган меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини аниқлаш, унинг асосида ҳудудларни комплекс тараққий эттиришнинг жорий ва ўрта муддатли давлат, тармоқ, минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш, минтақалар иқтисодиётини чуқур таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, таклиф этилаётган иқтисодий ёндашувлар, услублар, амалий воситалар, минтақа рақобатбардошлигини ошириш омилларидан бири сифатида инновацион илмий-тадқиқот грантларида қўйилган вазифаларни сифатли бажарилишини талаб этмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, иқтисодиётнинг муҳим вазифаларидан - **бу макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашда инновацион инвестиция фаол тадбиркорликнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланишидадир.**

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳамжамияти тан олган муваффақиятларга эришишда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасидаги ижобий натижалар асос бўлмоқда. Жумладан, банк, суғурта, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланиб бориши хусусий сектор ва кичик бизнес ривожига хизмат қилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш мумкинки, ҳукуватимиз томонидан қабул қилинган дастурлар натижасида мамлакатимиз молия, банккредит тизимида узилишлар сезилмади, балки, бу тизимнинг барқарор ишларини таъминлади. Банклар томонидан иқтисодиёт реал секторларини кредитлаш ҳамда кредитлар банклар кредит портфелининг катта қисмини ташкил қилиши натижасида, бу секторга йўналтирилган ички маблағлар ҳажми 25 баробардан зиёдроққа ошди. Республикамиздаги барча банкларнинг инвестицияларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлари ҳажми умумий кредит портфелининг 70 фоизини ташкил қилиши, улар олиб бораётган изчил кредит сиёсати натижасидир (1-жадвал).

² Ш.М.Мирзиёев. Олий мажлисга мурожатномаси. www.daryo.uz. 2017 й. 22-декабрь.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция соҳасидаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	2006 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2013 й.	2015 й.	2016 й.
Амалдаги баҳоларда, жами, млрд. сўм	4041,0	8587,1	12531,9	18220,3	20721,8	27448,1	32698,9	37992,1
Жорий йилдаги нисбатан %	109,1	128,3	147,7	145,4	112,6	132,4	111,2	112,9
ЯИМда инвестиция миқдори, %	19,5	22,7	26,1	30,3	26,8	31,8	27,1	29,7
ЯИМнинг капитал сифимкорлиги ўсиши, ICOR	2,8	2,5	3,2	3,7	3,6	3,5	3,8	3,7
Марказлашган инвестициялар жорий баҳоларда, млрд.сўм	915,8	1717,0	2517,9	3819,8	4696,5	4912,8	5126,3	6754,2
Капитал қўйилмаларда марказлашган инвестициялар миқдори, %	23,1	20,0	20,1	21,0	22,7	21,0	22,7	21,2
Марказлашмаган инвестициялар жорий баҳоларда, млрд. сўм	3109,0	6870,1	10014,1	14400,5	16025,4	1824,7	21568,1	22156,7
Капитал қўйилмаларда марказлашмаган инвестициялар миқдори, %	76,9	80,0	79,9	79,0	77,3	78,0	79,1	81,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2006-2016 йиллардаги статистик маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида³ иқтисодиёт тизимини либераллаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш амалга оширилаётган ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишларидан эканлиги ва бу борада биз оддий бир ҳақиқатдан келиб чиқмоқдамиз: халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади деган сўзимизни амалда исботлаб келмоқдамиз. Жумладан, Ўзбекистон шу ойнинг бошидан миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтганлиги, мамлакатимизда илк бор тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий этилганлиги, бизнес соҳасидаги солиқлар сезиларли равишда қисқартирилди ва кредит олиш имкониятлари кенгайтирилганлиги юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларнинг тўғри эканлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда янги эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди, уларда инвесторларга кенг имтиёзлар яратиб берилаётганлиги бугунги кунда иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилади.

³ Sh.M.Mirziyoev. Shavkat-Mirziyoevning-bmtdagi-tarixiy-nutqi. hordiq.uz. 2017 й. 20-сентябрь.

Инвестиция сиёсатининг ўзи, худди бозор иқтисодиётини қуриш каби, алоҳида мақсад бўлиши мумкин эмас. У маблағларни иқтисодиётнинг энг истиқболли ва ҳаёт учун муҳим йўналишлари – аграр сектор, ёқилғи-энергетика комплекси ва бошқа асосий тармоқларга ажратишни назарда тутувчи, фан-техника ва ижтимоий тараққиётни таъминловчи, кенг миқёсда оладиган бўлсак, республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи устуворликларга мувофиқ бўлиши лозим.

Шу ўринда мутахассислар фикрича, яқин келажакда инвестиция сиёсатининг стратегик вазифалари хусусийлаштириш жараёнлари яқунланган ва рақобатли муҳит яратилган шароитларда амалга оширилиб, бунда корхона, тармоқ ва минтақалар ўртасида инвестицияларни жалб қилиш учун жиддий кураш олиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва ҳудудий тузилмаларнинг инвестицион фаоллигини оширишдан ташқари, уларнинг инвестицион рискларини оширади ҳамда бу рискларнинг минималлашуви ёки ҳеч бўлмаганда суғурталанишини талаб қилади. Бу вазифа қанчалик яхши бажарилса, инвестиция фаолияти самарадорлиги, шунингдек, инвестиция ресурсларини асраш ва инвесторлар фаолиятининг узоқ муддатлилиги кафолатлари ҳам шунчалик юқори бўлади. Бугунги кунда бутун дунё айнан шу йўлдан бормоқда. Жорий йилда жаҳонда, шу жумладан республикамизнинг асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланган давлатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг тикланиб бориши, халқаро бозорларда қулай конъюнктуранинг шаклланиши ҳамда валюта бозори ва ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, хусусан қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар мамлакатимиз ташқи савдо айланмасининг сезиларли кенгайишига хизмат қилмоқда. Жумладан, жаҳондаги ва Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатлардаги иқтисодий ҳолат мисолида кўришимиз мумкин. Халқаро валюта фондининг қайта кўриб чиқилган прогнозларига кўра 2017 йилда жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати 3,6 фоизни ташкил қилиб, 2016 йилга (3,2 фоиз) нисбатан 0,4 фоиз бандга юқорироқ бўлиши кутилаётганлигини қўйидаги 2-расмда кўришимиз мумкин.



2-расм. Жаҳондаги ва Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатлардаги иқтисодий ҳолат

Манба: Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари, 2017 йил октябрь (ХВФ)

Хулоса ва таклифлар

Фикримизча инвестициялар иқтисодиёт ўсишининг энг муҳим манбаларидан бири бўлсада, лекин муаммолардан ҳоли эмас. Инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инвестиция стратегиясини танлашда, айниқса, корхоналар ва уларга тенглаштирилган тузилмалар миқёсида моддийлаштирилган инвестициялар – асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, меҳнат маҳсулдорлигини ошириш ҳамда турли хил йўқотиш ва ноишлаб чиқариш харажатларини бартараф қилишга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳали мамлакатимиз реал секторларида хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Таҳлиллар кўрсатадики, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишда қуйидаги бир қатор омиллар тўсқинлик қилмоқда:

- хорижий инвестицияни жалб этувчи корхоналарнинг ташқи бозорга чиқишда етарли билим ва тажрибага эга эмаслиги, халқаро бозордаги мавқеининг пастлиги;

- инвестиция жараёнида иштирокчи томонларнинг ўзаро бир-бирлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслиги ёки бу маълумотларнинг доимо ҳам тўлиқ ва ишончли бўлавермаслиги ва ҳ.к.

Бу каби муаммо ва тўсқинликларни бартараф этиш учун фикримизча, қуйидаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- халқаро майдонда мамлакатимиздаги инвестиция муҳити, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқ, компания ва ташкилотларининг инвестицион имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни кенг тарғиб этиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тасдиқлаш каби тадбирларни кучайтириш;

- мамлакатимиздаги бозор ахборот хизматларида АКТ ривожлантириш, маркетинг хизмати фаолиятини ва ташқи иқтисодий қонунчиликни фаоллаштириш;

- йирик хорижий банкларнинг филиалларини, халқаро компания ва корпорациялар ваколатхоналарини очиш учун етарли шароитлар яратиш;

- инфратузилма соҳасидаги (йўллар, транспорт, алоқа) қўшма инвестицияларни амалга оширишни фаоллаштириш;

- хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик стратегиясини, айниқса денгиз йўлларида чиқиб олиш ва шу орқали экспорт-импорт юк ташувларини амалга оширишга йўналтирилган, ўзаро фойдали кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2018 “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилмоқда, бу эса ЯИМни янада ошириш имконини беради. Мамлакат раҳбари ва ҳукуратимиз идоралари томонидан белгилаб берилган устувор вазибаларнинг бажарилиши, мамлакат ижтимоий ҳаётини тартибга солишнинг меъерий-ҳуқуқий асосларининг фундаментал пойдеворининг

ётқизилиши, қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилиши, ҳудудлар иқтисодиётига инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши - яқин истиқболда мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, турмуш даражаси ва яшаш шароити яхшиланишида муҳим манба бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mirziyoev Sh.M. Shavkat-Mirziyoevning-bmtdagi-tarixiy-nutqi. hordiq.uz. 2017 й. 20-сентябрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Олий мажлисга мурожаатномаси. www.daryo.uz. 2017 й. 22-декабрь.
3. Алматова Д.С. “Минтақаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертация иши автореферати. Тошкент. 2018 й.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Маънавият”, 2017. – 268 б.
5. Мустафақулов Ш.И. “Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертация иши автореферати. Тошкент. 2017 й.
6. Алматова Д.С. Тадбиркорлик фаолиятига инвестиция жалб қилишнинг минтақавий хусусиятлари. Монография. –Т.: «Ношир», 2013. 194 б.
7. Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари: монография. – Т.: 2007 й., — Fan va texnologiya, 240 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-4947-сонли фармони. Т.: 7.02.2017 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5087-сонли фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 сентябрдаги ПФ-5177- сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010-2016 йиллардаги “Йиллик статистик” тўплам маълумотлари 2017 й.
12. Division on Investment and Enterprise United Nations Conference on Trade and Development, www.unctad.org, 2016.
13. www.xabar.uz